

ХИРМОНГА ДОН ТЎКИЛДИ

Вилоятимиз ғаллакорлари учун ҳаяжонли дамлар бошланди. Бугаойга ўроқ тушди. Одатгаддек, ўрим-йғим мавсумини бекободлик деҳқонлар бошлаб беришди.

Бу йил туманда 15 минг 343 гектар майдонда ғалла етиштирилди. 402 та фермер хўжалиги давлат эхтиёжлари учун 41 минг 99 тонна, шу жумладан, 2179 тонна уруғлик дон топшириш юзасидан шартнома тузган. Туман ғаллакорлари умумий ҳисобда қарийб 83 минг тонналик хирмон уюшни мўлжаллашмоқда.

Ўрим-йғимда жами 43 та, шу жумладан, 21 та "Кейс", 19 та "Класс" ва 3 та "Нью Холдинг" комбайнлари иштирок этади. Бизнинг ихтиёри-мизда 16 та "Кейс" ва 2 та "Нью Холдинг" комбайнлари бор, – дейди марказий МТП раҳбари Ахмадали Шомуродов. – 28 май куни "Шуҳрат омад барака" фермер хўжалигида ўримни бошладик. Комбайнлари-мизни фермерларнинг буюртмалари ва албатта, майдонлардаги доннинг обдон пишиб етилишига қараб тақсимлаб бора-миз. Мақсадимиз – бор техникадан унумли фойдаланиб, ҳосилни қисқа муддатда саранжомлаб олиш.

Ғалласини оби-тобда парвариш қилган илгор фермерлар шартномалари-ни бирин-кетин бажа-ришяпти. Жумладан, "Шуҳрат омад барака" фермер хўжалиги нафақат туман, балки вилоятда биринчи бўлиб, бир кунлик ўримнинг ўзида шартномасини бажарди. – Бу йил иккинчи мавсум ғалла екишимиз, – дейди фермер Хошимбой Туронов. – Хўжалигимиз ўтган йили ташкил бўлган. 51 гектар тошлоқ ерни ахратиб беришганди. Чорак асрдан кўпроқ жамоа хўжалигида бош ҳосилот бўлганим иш берди. Экинлар яхши битмаётган ўша тошлоқ ердан 50 центнерга етказиб ҳосил кўтардик. Бу йил эса хирмонимиз янада залворли бўлади. Қолаверса, биринчи бўлганимиз боис вилоят ҳокими жамоамизга гилам совға қилдилар. Бу эътиборни ёруғ юз билан оқлашимиз керак.

"Жаҳон Жамол Олов" ва "Марҳамат Саломат" каби фермер хўжаликлари ҳам шартнома мажбуриятларини адо этиб, қолган ҳосилни тезроқ ўриб-янчиб олиш ҳаракатидадир.

СУРАТДА: фермер Хошимбой Туронов.

Даврон АҲМАД олган сурат.



ЧИРЧИҚДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Чирчиқ шаҳридаги олимпия заҳиралари спорт колле-жиди "Биз соғлом турмуш тарафдоримиз!" мавзуида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги 120 дан ортиқ касб-хунар коллежларидан 5 минг нафар-дан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Респу-блика болалар ижтимоий мос-лашув маркази, Тошкент ви-лояти хотин-қизлар қўмита-си ҳамда вилоят ўрта мах-сус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фе-стивални ўтказишдан мақсад ёшларни она Ватанга садо-қат, миллий қадриятларимиз ва маънавий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини мус-таҳкамлаш, шунингдек, во-яга етмаганлар ҳуқуқбузарлик-лари, қаровисизлиги ва назо-ратсизлигининг олдини олишдан иборат.

Тадбир Президентимиз раҳнамолигида навқирон ав-лоднинг ҳар томонлама бар-камол вояга етилиши учун ало-ҳида эътибор ва ғамхўрлик

яқин тўғрақ ташкил этилган. – Тикувчи қизларимиз тай-ёрлаган либослар кўрғазма иштирокчиларига манзур бўлганидан хурсандмиз, – дейди тикувчилик тўғраги раҳбари Умида Тожиддино-ва. – Бугунги тадбирда ҳам-касбларимиз билан ўзаро фикр ва таҳриба алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Фестиваль давомида "Баркамол авлод соғлом турмуш тарзини танлайди" мавзуида намоиш этилган театрлаштирилган томоша барчага манзур бўлди. Ўқувчи-ёшлар ўртасида шах-мат, стол тенниси, волейбол ва мини-футбол бўйича бел-лашувлар ҳам қизиқарли ўтди.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

ЭФИР СИФАТИ ВА МАҲОРАТ

Тошкентда "Замонавий ахборот дастурларини яра-тишда медиа технология-лардан самарали фойдала-ниш амалиоти" мавзусига бағишланган семинар та-ш-кил этилди.

Семинар давомида эфир-га узатилаётган материал-ларда таъсирчанлик, сифат ва савия ҳақида атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди. Жойларда, аввало журна-лист ва ижодий техник хо-димларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг профес-сионал маҳоратини ошириш масаласига алоҳида эъти-бор қаратиш лозимлиги таъ-кидланди.

"Туркистон-пресс".



ГАР КҮНГИЛ ШОДДИР – ОБОДДИР

Гарчи юртимизда доимо ёш авлодга ғамхўрлик кўрса-тиб келинаётган бўлсада, ҳар йили 1 июнь – Халқаро бо-лаларни ҳимоя қилиш куниди меҳрга муҳтож, ногирон ёки етимлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг кўнгилни шод этиш бизда яхши анъанага айланган.

"Қизил Ярим ой" жамия-ти Тошкент туман бўлими ходимлари байрам куниди совға-саломлар билан но-гирон болаларнинг уйлари-га ташриф буюришди.

Жамиятимиз 24 нафар туғма ногирон болани ўз қарамоғига олган, – дейди бўлим раиси Хадича Эрга-шева. – Уларни ҳар бай-рамда йўқлаб турамыз. Махсус бириктирилган ҳам-шираларимиз эса бирлам-чи тиббий ёрдамга муҳтож беморлардан ўз кўмагини аямайди.

– Бизга эътибор бериб, ширин сўз ва меҳрларини дариг тутмаган барча опа-акаларимиздан миннатдор-миз, – дейди 11-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мирғуллом Қосимов. – Мактабга бориш учун жисмоний имконияти-миз чекланганини инобатта

СУРАТДА: Мирғулломга совға топшириш пайтида.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



СУРАТЛАРДА: вилоятимиз терма жамоаси аъзолари Тошкент халқаро аэропортида муносиб кутиб олинди.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ҲАЁТ ГУЛТОЖЛАРИ

"1 июнь – Халқаро бола-ларни ҳимоя қилиш кун"и муносабати билан Қибрай туманидаги вилоят руҳий анормал болалар уйида тан-танали байрам уюштирилди.

Унда тумандаги кам таъ-минланган оилалар фар-зандлари, меҳрибонлик уй-лари тарбияланувчилари, имконияти чекланган бола-жонлар иштирок этди.

Байрамни ташкиллаштир-ган туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" ва "Соғлом авлод учун" хай-рий жамғармалари, "Қизил Ярим ой" жамияти вакилла-ри болаларни кутлаб, сов-ғалар ҳада этдилар.

Хомийлар томонидан тўқин дастурхон ёзилиб, концерт дастури намоиш этилди.

Ирода МАКСУД кизи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИЛ ИШЛАР ВАЗИРАЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Ҳазо минтақасига бора-ётган кемааларнинг халқаро гуманитар конвойига Исро-ил ҳарбий-денгиз куч-ларининг ҳужуми Ўзбекис-тонда чуқур ташвиш ва ха-во-тир билан қабул қилинди.

Ўзбекистон томони ин-сонлар қурбон бўлишига олиб келган ушбу фожиали ҳодисани қоралаб, Исроил томонидан Ҳазо минтақаси камалини бекор қилиш ма-саласи тезда ҳал этилиши-га умид билдиради ва БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг тегишли резолюцияларини тўлалигича бажаришга ча-қиради.

Ўзбекистон қандай оқи-батларга олиб келиши мум-кинлигини олдиндан ай-тиш қийин бўлган кескин-лик кўчайишининг ва зўра-воқлик ёйилиб кетишининг олдини олиш зарур, деб ҳисоблайди.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

ҲАМКОРЛИК ЗАМИРИДАГИ ИШОНЧ

Тадбиркорлик ҳаракати бозор муносабатлари шаро-итида иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яра-тиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашдан иборат устувор ва-зифани изчил амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб, тобора саломий ўрин тутмоқда. Ҳозирги пайтда вилоят-тимиз шаҳар ва қишлоқларида махсулот ишлаб чиқариш ва маиший хизмат соҳаларида 30 мингдан зиёд тадбир-корлик субъектлари фаолият кўрсатаётди. Янги махсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида уларнинг ҳиссаси ортиб бораёпти.

Бозор муносабатлари тар-моқда ишловчилар, умуман савдо, матлубот кооперация-си ва тадбиркорлик субъект-лари ходимларининг ижтимо-ий-иқтисодий ва ҳуқуқий ман-фаатларини ҳимоя қилиш, ҳу-сусий ва бошқа турлардаги тадбиркорлик корхоналарида меҳнат ҳавфсизлиги қондала-рига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини куч-айтиришни тақозо этмоқда. Бу жараёнда ишловчиларнинг энг оммавий ташкилотлари –

касаба уюшмаларининг ма-векеи ортиб бораётди. Вило-ятимизда бу тармоқ касаба уюшмаси аъзолари сафи ўсиб, касаба ташкилотлари йил сайин мустаҳкамланиб, ишловчилар манфаатларини ҳимоялаш амалии тус олиб бораётганини фикримизнинг далилидир. Ҳозирги пайтда барча шаҳар ва туманларда тармоқ касаба уюшмаси ва-килликлари, тадбиркорлик субъектларида 210 та бош-ланғич касаба ташкилоти иш

олиб бормоқда. Улар ўз саф-ларига 30 мингдан зиёд иш-ловчини бирлаштирган.

Касаба уюшмасининг тур-ли бўғинларида келишув ва жамоа шартномалари иш бе-рувчилар билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид иж-тимоий-иқтисодий муноса-батларни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат си-фатида қамрови кенгайиб бормоқда, таъсир кучи орт-моқда. Айни пайтда бу ҳуж-жатлар меҳнат жамоаларида интизомни мустаҳкамлаш, ишловчиларда ўз-ўзини бош-қариш кўникмаларини шакл-лантириш, ташаббус ва ишла-тиларни рағбатлантиришни кучайтиришга хизмат қилаё-тир.

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, "Тошвилоят Матлубот-Ин-

вест" давлат унитар корхона-си, "Бозорсавдо" акциядор-лик жамияти билан тармоқ касаба уюшмаси вилоят ке-нгаши ўртасида 2009-2011 йиллар учун тузилган ўзаро ҳамкорлик келишувлари ша-ҳар ва туманлардаги тадбир-корлик корхоналарида жамоа шартномалари қабул қилини-ши ва уларда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг оғишмай бажарилишини таъминламоқ-да. Натижада ишловчилар-нинг аксариятида ўз манфа-атлари амалда ҳимояланган-лигига ишонч кучайиб бора-япти.

Бугунги кунда турли мулк-чилик шаклидаги тадбиркор-лик корхоналарида 205 та жамоа шартномаси амал қил-моқда. Уларда 12 мингга яқин киши меҳнат қилаётганини инобатга олинса, бу меъё-

рий-ҳуқуқий ҳужжатлар хо-димларнинг ижтимоий-иқти-содий ва ҳуқуқий манфаатла-рини ҳимоялашда қанчалик муҳим аҳамият касб этаётган-лигини пайкаш қийин эмас.

Шу ўринда "Тошвилоят Матлубот-Инвест" давлат унитар корхонаси билан ви-лоят касаба кенгаши ўртаси-даги ижтимоий шерикчилик-ка доир ҳамкорлик келишуви дастлабки йиллик берган са-маралар низоъда салмоқли бўлганлигини таъкидламоқчи-миз. Ўз тарихига ўттизта турли ташкилотларни бир-лаштирган бу корхонада 614 ишчи-хизматчи меҳнат қил-моқда. Ҳамкорлик келишуви талаблари изчил бажарилиши натижасида ўтган йили иш-ловчиларнинг даромади анча ортди.

(Давоми 2-бетда).

УНИВЕРСИАДА – 2010

БУХОРОДА КҮРИШГҮНЧА

Мамлакатимиз спорти сономаси яна бир саҳифа билан бойийилган бўлди. Андижон шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада – 2010" спорт мусобақаларида умидли юдаулар кашф этилди, янги номлар тилга олинди. Қолаверса,

янги рекордлар ва юксак натижалар мусоба-қаларнинг нуфузини янада оширди. Кўплаб талаба-ёшлар эса, ўқув юртларида таълим олиш, илм ўрганиш баробарида спортда нима-ларга қодир эканликларини намоиш этишди.



ҳамда 4 та бронза медаллари билан қайтишди. Стол теннисчи-ларимиз вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, умумжа-

моа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Биргина Алие Исмои-лованинг ўзи 1 та олтин ва 2 та кумуш медални қўлга киритди.

– Бу сафар ғалаба қозонишим осон бўлмади, – дейди Алие Ис-моилова. – Чунки ўтган йиллар-га нисбатан жамоаларнинг тай-ёргарлиги, спортчиларнинг тех-ник ва тактик маҳорати янада ортибди. Бир-биридан кучли ва маҳоратли спортчиларни кўриб, бироз ҳайқандим. Бирок, ус-тозим ва дўстларимнинг қўллаб-қувватлаши менга катта ёрдам берди, бу сафар ҳам сўзимнинг устидан чиқдим.

Алие замонавий компьютер жамланмаси ва велосипед совға-лари билан қайтди. Бундан таш-қари, Қосим Абдукаримов, Аҳрор Холмуродов ва Матлуба Сафаров-ва каби стол теннисчиларимиз-нинг иштироки ҳақамлар томо-нидан юқори баҳоланди.

Шуҳрат Келдиёров мураббий-лигидаги миллий курашчиларимиз ҳам вилоятимиз жағмарасига ўз медалларини қўшишди. Тошкент давлат аграр университети тала-балари Бехзод Бойқелдиев 81 ки-лограмм вазн тоифасида кумуш

медалъ соҳиби бўлди. Бахтиёр Менгликулов +90 килограмм оғирлиқдаги полвонлар баҳсида учинчи ўринни эгаллади.

Дэюдо бўйича вакилларимиз-дан Шуҳрат Ражабов иккинчи ўринни эгаллади. Тоштемир То-вошев ва Асрор Худойкулов бронза медалларига эга бўлди-лар.

Сузувчимиз Александр Осе-пов кучилар ичида 100 метрга брасс усулида сузиш бўйича яхши на-тижа кўрсатиб, кумуш медалга сазовор бўлди.

...Майдон узра ёқимли куй янгради. "Универсиада – 2010" машаласи аста-секин сўна бош-лади. Универсиада байроғи ту-ширилиб, Андижон вилояти тер-ма жамоаси вакиллари уни му-собақанинг навбатдаги мезбон-лари – Бухоро вилояти вакилла-рига топширишди.

Азим ва кўҳна диёр – Бухоро-да учрашгунча!

Хушида ТУРСУНБОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



ҲАМКОРЛИК ЗАМИРИДАГИ ИШОНЧ

лан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида "Ўзбекистон" нашриёти масъул ходимлари вилоятдаги айрим мактабларда Баркамол авлод йилига бағишлаб тадбирлар ўтказишмоқда.

ар ўзлари таъ-
илларда шёр-
ди. Меҳмонлар-
илган совғалари
ордек қувонтир-
увуватдан бо-

Тадбирда ўқувчилар адабиёт борасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Адиблар ёшларга маънавий баркамоллик талаб, уларга китоблардан совға қилишди.

Абдулла ФАЙЗИЕВ.
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа.
Даврон АХМАД олган сурат.

Саид АСКАРОВ.

Бирок минг афсуски, мамлакатимиз эришяётган оламшумул ютуқлар, халқимизнинг оսуда ҳаётини кўра олмайдиган, ватанимиздаги барқарор тинчлик-хотир-жамлиikka раҳна солмоқчи бўлган гараз би-
риятчи куллар ҳали-хануз йўқ эмас. Бу бар-
Агар тинчлигимизга раҳна солишга қаратилган бирор шубҳали хатти-харакати сезангиз, зудлик билан тегишли ҳуқуқ-
тартибот идораларини хабардор этинг.
Унутманг, бизнинг доимий оғохлигимиз о-
суда ҳаётимизнинг муҳим кафолатидир.

тинглашди.
Айникса, Хуснора Мама-
далиева ўқиган "Қишлоқни
шеъри каттаю кичикни
тўқинлантириб юборди:
Топмадим мен Лашкаракнинг
 ҳеч тақорини
Яширмайн ҳада ётар
 элга борин.
Вазмин ётар икки тоғи –
 бир камтарин,
Бир мулоий Лашкаракетини
 фарзандиман.

Сув бўйда ялпизларнинг
уткир ҳиди
Бу қишлоқда яшовчининг
нозик диди
Ишонмасанг ўзинг келиб
курсанг эди -
Хидли-дидли Лашкарақнинг
фарзандиман
Қишлоқ аҳли ҳақиқатан
ҳам соддадил, оқунгил
бағрикенглиги билан эъти-
борни жалб этади.

— Аслида "одам тафтинг
одам олади" — дейди кекса

Сейра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири
СУРАТЛАРДА: 31-мактабдаги
марфиий урғашув ғоят
самимий ўтди; мухлислар
шопира Умид Абдуазимова
ҳамда тележурналист
Моҳинисо Қамоловани узоқ
вақт қўйиб юборишмади.
Даврон АҲМАД,
Еркебой БОТИРОВ
олган суратлар

Фукаралар фукароси қорейликларни оуинача уқизилган тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, Қорейда меҳнат қилишга жўборилдилар.

Фукараларни рўйхатча олиш жараёни республикамизнинг ҳар бир

[illegible]

**Ишонч телефонлари рақамларини
эслатиб ўтамиз – 232-27-88, 252-13-61.**

